Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси коидаларига
8-ИЛОВА

**17.01.2022 даги**

**Сайхунобод туман Электр тармоклари корхонаси ва Сайхунобод тумани Туман ДСЭНМ ўртасида 4500000,00 сўм умумий суммага тузилган 090077 - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 054

Шахсий ғазна хисобварак 100022860242167074110054001

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4221000 | | | |
| Январь | 1 500 000,00 | | | 1 500 000,00 |
| Февраль | 1 500 000,00 | | | 1 500 000,00 |
| Март | 1 500 000,00 | | | 1 500 000,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **4 500 000,00** | | | **4 500 000,00** |

Жами 4500000,00 сўм — Тўрт миллион беш юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан ___________ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ________________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алока хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).

Буюртмачи рахбари ______ (имзо) Халбаев Абдугафур Тажибаевич Ф.И.Ш

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK VA JAMOAT SALOMATLIGI BO'LIMI SIRDARYO VILOYATI SAYXUNOBOD TUMAN

Буюртмачи бош бухгалтери ______ (имзо) Шаматов Дониёр Халимжанович Ф.И.Ш

Ғазначилик бўлинмасининг ходими кабул килди ______________ (имзо)

«___» _________________ 20___й.

Буюртмачи ходими кабул килди ______ (имзо)

«___» _________________ 20___й.

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» АЖ «СИРДАРЁ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Сайхунобод тумани ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ КОРХОНАСИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ

# ШАРТНОМАСИ

№ 090077

Сайхунобод тумани СЭО ва ИССБ

(корхона, ташкилот номи)

**Юридик шахслар учун электр таъминоти**
**ШАРТНОМАСИ**

20 22 йил "17" январ 090077-сон Сайхунобод
(шартнома тузилган манзил)

"Сирдарё ХЭТК" АЖнинг Сайхунобод Т ТЭТ
(Электр энергияси билан таъминловчи ташкилот номи)
(кейинги ўринларда "Корхона" деб юритилади) нинг низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Ш. Жўраев бир тарафдан ва Сайхунобод туман СЭО б. ЖСБ
(Электр энергияси истеъмолчисининг номи)
(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг низом асосида фаолият юритувчи раҳбари А Я. Холбаев иккинчи тарафдан тизимдаги шахсий ҳисоб варакаси - ____
мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. Шартнома предмети

1.1 Ушбу шартнома билан "Корхона" тармоқлари орқали электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) "Истеъмолчи"га етказиб бериш, "Истеъмолчи" эса истеъмол қилинган энергия ҳаққини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

## II. Етказиб берилган энергия ҳисоби

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:
актив 2666,66 кВт.с., реактив ____ кВар.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи базавий тариф бўйича 1200000 сўмни ташкил этади.

2.3. "Истеъмолчи"га энергия ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофиқ етказиб берилади.

2.4. "Истеъмолчи" томонидан ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳақиқий қабул қилиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олиш асбобларининг (кейинги ўринларда - ҳисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг 2-иловасида назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Ўзбекситон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловаси "табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатиши керак бўлган Истеъмолчилар" учун етказиб берилган Энергиясининг йиллик минимал хажми 2666.66 кВт.с.ни ташкил қилади.

## III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки ўсиб борувчи коэффициентли тарифлар асосида амалга оширилади (нарх шакллантиришнинг алоҳида тартиби).

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган "Истеъмолчи" (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан

молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вактларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат $9^{00}$ дан $17^{00}$ гача) – ўрнатилган тариф бўйича:

тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат $6^{00}$ дан $9^{00}$ гача, кечки энг катта миқдор соат $17^{00}$ дан $22^{00}$ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали:

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: $22^{00}$ дан $24^{00}$ гача ва $00^{00}$ дан $6^{00}$ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф I-тариф гуруҳидаги "Истеъмолчи"ларнинг бир ставкали тарифига мувофиқдир.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган "Истеъмолчи"га энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВАгача бўлган "Истеъмолчи"га энергияни реализация қилиш нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига кирувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи "Истеъмолчи" учун Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар ва ўсиб борувчи коэффициентли тўловлар асосида амалга оширилади.

3.3. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. "Истеъмолчи" ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда "Бюро" деб аталади) ваколатли вакили иштирокида ҳисоб-китоб даври охирида ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисоботни тузади.

"Истеъмолчи" энергия сарфи бўйича ҳисоботни "Корхона"га ҳар ойнинг "___" санасигача чопар орқали ёки факсимиль алоқа ёхуд электрон почта алоқаси орқали тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширувчи, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган "Истеъмолчи" бўйича энергия (актив ва реактив) сарфининг тўлиқ ҳажмидан ташқари, алоҳида-алоҳида тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлардаги ҳажмлари ҳам аниқланиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарганида "Истеъмолчи" етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар кучга кирган кундан бошлаб истеъмол қилинган энергия учун янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.6. "Истеъмолчи"га энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин, энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

Ҳисоб-китоб ойидан кейинги календарь ой тугагач қарз тўлов муддати ўтган ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади:

3.7. Энергия сарфи бўйича ҳисобот асосида "Корхона" ўрнатилган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисобварағини ёзиб беради.

"Истеъмолчи"да турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган тақдирда, ҳар бир тариф гуруҳи кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.8. Ҳисоблагичлар ушбу шартноманинг 4-иловасидаги томонларнинг электр тармоқлари баланс мансублилиги ва фойдаланиш бўйича масъуллигини тақсимлаш бўйича далолатномага мувофиқ аниқланадиган электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги энергиянинг технологик сарфининг ҳажми "Истеъмолчи" билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширувчи 750 кВА ва ундан юқори бўлган қувватга уланган "Истеъмолчи" учун энергиянинг технологик сарфланиши сутканинг тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳисоб варағини ёзиш учун мутаносиб равишда қўшиб борилади.

3.9. Ҳисоблагичлар кўрсаткичи ёзиб олинмаган ёки энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот "Истеъмолчи" томонидан тақдим этилмаган тақдирда, "Корхона" томонидан энергия истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун энергия истеъмолининг амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади, бу ҳақда "Истеъмолчи"нинг ҳисоб варағида тегишли равишда қайд қилинади.

Ҳисоблагичлар кўрсаткичи назорат тартибида "Бюро" томонидан ёзиб олингандан кейин "Корхона" томонидан амалда истеъмол қилинган энергия учун белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3.10. "Истеъмолчи"нинг энергия учун тўловлар, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергия қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

"Истеъмолчи"нинг айби билан ушбу шартномада кўрсатилган энергия ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада келтирилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилинганда, "Истеъмолчи"дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча истеъмол қилинган энергиянинг жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,5 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. "Истеъмолчи" "Корхона" билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Агар «Истеъмолчи» солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси қарзни ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиққан холда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномасини қўйиш йўли оркали, хамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштириш далолатнома асосида "Бюро" томонидан мажбурий ундирувга каратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга хакли.

3.13. "Истеъмолчи"ни электр тармоқларидан узиш куйидаги ҳолларда амалга оширилади:

шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вактида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

"Бюро" талабномалари ижро этилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисоблагичлар кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

ҳисоблагичлар касддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш максадида уларга ташкаридан аралашилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож килиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

шартнома, электр таъминот лойихаси ва техник шартлари мавжуд булмаганда;

электр таъминот лойиха ва техник шартларга мос келмаганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, "Истеъмолчи"ни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. "Истеъмолчи"ни тармокка кайта улаш, "Истеъмолчи" томонидан қоидабузарлик холати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг амалга оширилади. (ЭҲАНТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

## IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мужбуриятлари

4.1. "Истеъмолчи" куйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ "Корхона" электр тармоқларига улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофик бўлган энергия олиш;

энергия етказиб беришнинг тугатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

"Корхона"га истеъмол киладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин, 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунча) берилиши лозим;

энергия тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплатиш;

конун ҳужжатларига мувофик бир тарафлама тартибда шартномани бекор килиш;

Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган суммани кайтарилишини талаб килиш;

энергия етказиб берилиши тугатилганда зарарни қоплашни талаб қилиш;

Шартномани тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсуниши бўйича юқори ташкилотга (мансабдор шахсга) мурожаат килиш.

"Истеъмолчи" қонун ҳужжатларига мувофик бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. "Истеъмолчи" қуйидагиларга мажбур:

энергия истеъмол қилишни белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлар, асбоблар, электр қурилмаларининг техник ҳолатини лозим даражада сақланишини, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация килишда ҳавфсизлик техникаси коидаларига риоя килинишини таъминлаш,

"Корхона"га электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар килиш;

энергиядан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

электр таъминоти корхонаси томонидан белгиланган энергия истеъмоли чеклаш жадвалини бажариш;

эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бошка сабабларга кура кўчиб кетган такдирда, у бу хакда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда хабардор килиш;

ЭНХАТ (АИИСКУЭ) тизимини баркарор, доимий ишлаб туришини таъминлаш;

Энергетика тизимининг «Электр Хисоб» компьютер дастурига «Истеъмолчи» нинг бириктирилган телефон ракамига (богланиш нуктасига) «SMS» оркали юборилган хабарнома, огохлантириш хатларига уз вактида муносабатларини билдириш ва зарурат холда дархол туман (шахар) электр таъминоти корхонасига аниклик киритиш максадида маълум килиш;

энергетика тизимининг «Электр Хисоб» компьютер дастурига «Истеъмолчи»нинг бириктирилган телефон ракамига (богланиш нуктаси), шунингдек бошка барча реквизитлари узгарган холда «Истеъмолчи» дархол электр таъминоти корхонасига хабар бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун (тегишли микдори учун 100% олдиндан тулов амалга оширилган холда) электр таъминоти корхонасига буюртманома бериш;

"Бюро" ва "Ўздавэнергоназорат" инспекциясининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши қоидаларининг талабларини бажариш;

белгиланган тартибда "Бюро" ва (ёки) "Корхона"нинг тегишли вакилига ҳисоблагичларни кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун "Корхона"га буюртманома бериш:

келгуси йил учун энергияга бўлган эхтиёжни аниқлашда энергияни электр тармокларидан узатишда, махсулот ишлаб чикариш (ишлар турларининг) технологик жараёни эхтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган суб "Истеъмолчи"ларнинг эхтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек. 5 МВт ва ундан юкори бўлган кувватга уланган "Истеъмолчи":

истеъмол қилинаётган қувватнинг хар суткалик. хар ойлик сарфи ва амалдаги микдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг хар суткалик сарфи.

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг хар 30 дакикадаги сарфини хисобга олиши ва "Корхона"нинг талабига кўра хабар килиши шарт.

"Истеъмолчи" конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятларга хам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона куйидаги хукукларга эга:

"Истеъмолчи"дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда "Истеъмолчи" томонидан етказилган хақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш;

шартнома, электр таъминот лойихаси ва техник шартлари мавжуд булмаганда, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда, электр таъминот лойиха ва техник шартларга мос келмаганда "Истеъмолчи"ни электр тармоқларидан;

электр хўжалиги объектларида авариявий холатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш зарурати бўлганда, "Истеъмолчи"ни огохлантирмай ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш;

"Бюро" ёзма кўрсатмасига мувофик "Истеъмолчи"ни электр тармоқлардан ўчириш, шунингдек ЭНҲАТга уланган ёки олдиндан тўлов курилмасига эга хисоблагичи бўлган "Истеъмолчи"ларни олдиндан тўлов тугагандан сўнг ўчириш.

"Корхона" конунчиликка мувофиқ бошқа хуқуқларга хам эга бўлиши мумкин.

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

уланган электр тармоклар оркали "Истеъмолчи"га - электр тармокларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган хажмдаги энергияни узлуксиз етказиб бериш;

курилмаларни,электр узатиш линияларини, хисоблагичларни эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек ўзининг электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф килиш:

«Истеъмолчи»нинг ёзма талабномаси асосида электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан «Истеъмолчи»нинг хабарлашиш нукталари оркали хабар бериш;

электр энергия етказиб берилишидаги тўхташлар тўғрисида ва тўхташларнинг сабаблари тўғрисида "Истеъмолчи"нинг талабига биноан маълум килиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни хажми ва вакти кўрсатилган холда "Истеъмолчи"нинг талабига биноан унинг хабарлашиш нукталари оркали олдиндан хабар бериш;

Электр тармоги хужалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боглик кечиктириб булмайдиган чора-тадбирларни куриш зарур булганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан энергия узатишни тухтатиб куйиш ёки чеклашлар киритиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

энергия етказиб берилишидаги тўхташлар тўғрисида ва тўхташларнинг сабаблари тўғрисида "Истеъмолчи"га маълум килиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни хажми ва вакти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

"Истеъмолчи"нинг энергия етказиб берилмаганлиги ва электр таъминотидаги бошка бузилишлар тўғрисидаги аризасини, "Истеъмолчи"дан ариза олингандан кундан ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чикиш, уларни бартараф этиш ва тўлақонли жавоб йўллаш;

"Истеъмолчи"га етказиб берилган энергия ҳисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

"Истеъмолчи"нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақда, рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда "Истеъмолчи"га хабар қилиш;

"Истеъмолчи"га ўрнатилган ҳисоблагичларни алмаштиришни, ўрнатишни ва уларга хизмат кўрсатишни, шунингдек "Бюро" билан бирга уларни пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган энергия етказиб бериш.

"Корхона" қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, "Корхона" бунинг натижасидаги етказилган зарарни қоплашга мажбур. "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. "Корхона":

"Истеъмолчи" энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмаган, энергия истеъмолининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган тақдирда, "Корхона" томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган

сутькаларда паст сифатли энергия етказиб берилганлиги учун;

захира манбаини автоматик улаш, автоматик кайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида энергия етказиб беришдаги танаффуслар учун "Истеъмолчи" олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. "Истеъмолчи" "Бюро" ёзма кўрсатмасига мувофиқ ўчирилганда ёки енгилмас куч шароитлари (форс-мажор) мавжуд бўлганда, "Корхона" "Истеъмолчи" олдида жавобгар бўлмайди.

Электр энергия таъминоти корхонаси узи билан боглик булмаган вазиятлар окибатида мавжуд булган чекланишлар киритилганда, «Электр курилмалари тузилиши Коидалари»нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 – бандларига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончлилиги тоифаси (категория)га тугри келмаган (лойиха талабларини бажармаганда) холда истеъмолчилардан киритилган даъво ва талаблари буйича келиб чикадиган низолар олдида жавобгар булмайди.

5.4. Ушбу шартнома бажарилиши жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йўли билан тартибга солинади. Улар музокаралар йўли билан хал этилмаган такдирда, судда хал этилади.

## VI. Якуний қоидалар

6.1. Шартнома 20__ йил _______________ гача бўлган муддатга тузилади.

Шартнома муддати ўтиши билан, агар томонларнинг бирортаси уни муддатини узайтириш ёки бекор килиш тўгрисида ариза бермаган бўлса, у кейинги хар бир йилга узайтирилган хисобланади. Ариза шартноманинг амал килиш муддати тугашига бир ой колгунча берилиши керак.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас кисми ҳисобланади.

Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг карорлари, фармойишлари ва бошка барча қонун ва конуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

6.3. Шартнома томонларнинг бирини ташаббуси билан муддатидан олдин бекор килиниши иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қилган холда, томонларнинг ўзаро хисоб-китоб килганлик шарти билан амалга оширилиши мумкин. Бекор килиш тўгрисида хабарнома ёзма равишда такдим килинади.

6.4. Барча ўзгартиришлар ва кўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда бўлган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқийдир.

Кушимча шартлар:

______________________________________________________________________

______________________________________________________________________

______________________________________________________________________

______________________________________________________________________

______________________________________________________________________

______________________________________________________________________

## VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

**“Истеъмолчи”:** Сайхунобод т СЭОваЖСБ

Юридик манзили А Навоий к

Почта манзили

Ҳисоб раками 400022860242167074/100540001

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200310724

***Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган “Истеъмолчи”лар учун:***

Бюджет фондининг хисоб раками

Банк коди (МФО) (ИНН)

Бюджетдан ташкари фонднинг ҳисоб раками

Банк коди (МФО) (ИНН)

***Телефонлар:*** ***Факс:***

(“Истеъмолчи” телефон рақамлари, шу жумладан унинг раҳбарини уяли телефони кўрсатилади)

***Статистик кодлар:***

ОКЭД

СООГУ

СОАТО

КФС

КОПФ

ОКПО

**Корхона:**

Почта манзили Сайхунобод т ТЭТ

Ҳисоб раками 22636000600103481 7425

Банк коди (МФО) 00855 (ИНН) 200324414

***Телефонлар:*** ***Факс:***

***Статистик кодлар:***

СООГУ

СОАТО

- *«Истеъмолчи» «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари» ва мазкур шартнома шартлари билан таништирилди ҳамда унга электр ва ёнғин хавфсизлиги юзасидан йўл-йўриқлар берилди.*

**“Истеъмолчи”:** **“Корхона”:**

М.У. имзо, мансаби, Ф.И.Ш. М.Ў. имзо, мансаби, Ф.И.Ш.

**Юрист хулосаси:**

Мен, ушбу шартнома лойихасини амалдаги Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодекси, «Хужалик юритувчи субъектларнинг хукукий-шартномавий базаси тугрисида»ги Конуни ва бошка конун хужжатлари асосида хукукий экспертиза килиб, ушбу шартномада курсатилган муносабатлар юкоридаги конун хужжатлари билан тартибга солиниши, хужалик шартномаси шартларнинг,тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни хал этиш тартиби конун хужжатлари талабларига мувофиклигини билдираман.

Шу сабабли ушбу шартнома лойихасини имзоласа булади деб хисоблайман.

«Корхона» юристи:

(имзо) (Ф.И.Ш)

Юридик шахслар учун электр таъминоти шартномасига 1 - илова

## Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи П
2. Фаолият тури СЭОБс ЖСБ
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: 12 кВА (кВт)
4. Техник шарт билан рухсат этилган қуввати : 15 кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) ____________
6. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (амалдаги) ____________
7. Ҳисоб-китоб тури: ҳисоблагич

*тариф тури: табақалаштирилган , бир ставкали ёки ўсиб борувчи коэффициентли* (кераклиги ёзилсин)

| | Энергия ҳажми минг. кВт.с | Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| **Йил, жами** | 2666,66 | | | | |
| Январь | 888.88 | | | | |
| Февраль | 888.88 | | | | |
| Март | 888.88 | | | | |
| Апрель | | | | | |
| Май | | | | | |
| Июнь | | | | | |
| Июль | | | | | |
| Август | | | | | |
| Сентябрь | | | | | |
| Октябрь | | | | | |
| Ноябрь | | | | | |
| Декабрь | | | | | |

**Имзолар:**

**"Истеъмолчи":** ____________ (М.Ў. Имзо)

**"Корхона":** ____________ (М.Ў. Имзо)

SAYHUNOBOD ELEKTR TA'MINOTI KORXONASI

Юридик шахслар учун электр таъминоти
шартномасига 2 - илова

## Энергия ҳисоблагичлари ўрнатилган жойлари ва тавсифлари

| "Истеъмолчи"нинг (суб"Истеъмолчи"нинг) хисоблагичлари ўрнатилган жойлар. тури ва кучланиш синфи (кВ) кўрсатилган холда | Ҳисоблагич тури (актив, реактив), (номинал токи) | Ҳисоблагич номери | Ҳисоблагич клемма копкогидаги пломбанинг номери | | Ўлчов трансформатор-ларининг трансформация коэффициенти | | Ҳисоб-китоб коэффициенти | Шартнома тузиш санасига ҳисоблагич кўрсаткичи | Тариф тури сум/ 1 кВт.с. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Корхона-нинг | Бюро-нинг | Ток | Кучла-ниш | | | |
| ТП шида | 4Е733G-2-3 | № 201923009820 | 17004733 | | — | 380 | — | 21916 | 450с |

**Имзолар:**

"Истеъмолчи": ______________________ (М.Ў. Имзо)

"Корхона": ______________________ (М.Ў. Имзо)

Юридик шахслар учун электр таъминоти
шартномасига 4 - илова

**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги**
**ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси**
**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

1. "Истеъмолчи"нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:
а) хаво линиялари ______________________________

б) кабель линиялари ______________________________

в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари Н.С Сайхун 35/10 ф. Пахтазавод -1 109/63 кВА

2. "Истеъмолчи" ва "Корхона" ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси: 10кВ хаво тармоги РЛНД 10кВ ва ГКТП русуми трансформаторга корхона томондан аниқланади.

3. Улардан қуйидагиларга:
а) Эл/хисобагич ва барча 0,4кВ кабел тармокларига истемолчи томондан хизмат кўрсатиш "Истеъмолчи" ходимлари томонидан,

б) ______________________________ "Истеъмолчи" билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси томонидан хизмат кўрсатилади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: ______________________________

**Вакиллар:**

**"Истеъмолчи"**
М.Ў. ______________ (имзо) ______________ (Ф.И.Ш.)

**"Корхона"**
М.Ў. ______________ (имзо) ______________ (Ф.И.Ш.)

Юридик шахслар учун электр таъминоти
шартномасига 5 - илова

**Энергия йўқолишларини аниқлаш бўйича**
**ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия ҳисоблагичлар электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг мансублик чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги ҳисоблаш йўли билан аниқланган энергиянинг технологик (сарфи) йўқолишлари бу:

а) Қуввати ________ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари ______________ кВт.соат ёки _________ фоизини, реактив энергия йўқолишлари _________ кВАр.соат ёки _________ фоизини ташкил этади;

б) »Истеъмолчи¨нинг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги 1 2 150 метр м;

Кесим юзаси ____________ мм$^2$;

Русуми АПВ2 ;

Кучланиши _________ кВ бўлса, _________кВт.соатни, ёки ________ фоизни ташкил этади;

в) «Истеъмолчи¨нинг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги ____________ м;

Кесим юзаси ____________ мм$^2$;

Русуми ____________ ;

Кучланиши _________ кВ бўлса, _________ кВт.соатни, ёки ________ фоизни ташкил этади.

Жами ҳар ойлик энергия йўқолишлари ҳажми ҳисоб-китоб давридаги энергия сарфининг ____ фоизини ташкил этади.

Корхона бир кунда 24 соат, бир ойида 30/31 кун ишлайди.

Сменалар бўйича юклама тақсимоти (фоиз ҳисобида) I _____, II _____, III _____.

**Имзолар:**

| | |
|---|---|
| **"Истеъмолчи":** | **"Корхона":** |
| (М.Ў. Имзо) | (М.Ў. Имзо) |

RESPUBLIKASI SIRDARYO VILOYATI SAYXUNOBOD ... SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK VA JAMOAT SALOMATLIGI BO'LIMI

SIRDARYO HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI SAYHUNOBOD TUMAN ELEKTR TA'MINOTI KORXONASI

Реактив энергиянинг иқтисодий қиймати ҳар бир ҳисобот даври учун, шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади ва шартномада белгиланган тартибда ундирилади.

Реактив энергиянинг шартномавий миқдори реактив энергиянинг иқтисодий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда реактив энергия истеъмоли:

иқтисодий қиймат доирасида бўлганида актив энергия учун амалдаги тарифнинг 5% миқдорида;

иқтисодий қийматдан ортиқ бўлганида актив энергия учун амалдаги тарифнинг 10% миқдорида белгиланади.

Реактив энергия компенсацияси учун устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати истеъмолчилар томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати истеъмолчилар томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.

**Имзолар:**

| | |
|---|---|
| **“Истеъмолчи”:** ____________ | **“Корхона”:** ____________ |
| (М.Ў. Имзо) | (М.Ў. Имзо) |

SIRDARYO VILOYATI SAYXUNOBOD TUMANI SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK VA JAMOAT SALOMATLIGI BO'LIMI

SIRDARYO HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI SAYHUNOBOD TUMAN ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI

Юридик шахслар учун электр таъминоти
шартномасига 7 - илова

# Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
# ДАЛОЛАТНОМА

Тузилди ___________________________________________________________

"Истеъмолчи"нинг вакили иштирокида ______________________________________

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда "Истеъмолчи" қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик бронь даражасигача пасайтириш:

| Т/р № | Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи* | Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт) | Изох |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

Жами: ________ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич ________________________ кВт

II босқич ________________________ кВт

III босқич ________________________ кВт

IV босқич ________________________ кВт

2. _____________ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуйилади.

| Т/р № | Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи* | Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт) | Изох |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

Жами: ________ кВт

* а) Юклама остида ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар ҳамда қўриқлаш ёритиш тизими қолдирилади.

б) Авария бронига захирадаги ёнғинга қарши насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар тааллуқли эмас. (ушбу агрегатлар, керак бўлишига қараб, олдиндан "Корхона" билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

**Имзолар:**

| "Истеъмолчи": | "Корхона": |
|---|---|
| (М.Ў. Имзо) | (М.Ў. Имзо) |

SAYHUNOBOD ELEKTR TA'MINOTI

Юридик шахслар учун электр таъминоти
шартномасига 8 - илова

Энергия таъминоти ташкилоти тармокларига уланган истеъмолчиларнинг электр курилмаларининг урнатилган куввати хакида

**М А Ъ Л У М О Т Л А Р**

## А. Трансформаторлар.

| Трансформаторни ўрнатиш жойи | Трансформаторни паспорт маълумотлари | | | | | | Шартномани тузиш вактига ўртача юклама (кВт ёки А) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Тури | Қуввати (кВА) | Кучланиши (кВ) | Ток (А) | Қиска туташув исрофлари (кВт.с) | Салт юриш исрофлари (кВт.с) | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

## Б. Бошка ток қабул килувчилар

| Электр двигателлар | | Электр пайвандлаш аппаратлари | | Приборлар | | Ишлаб-чикаришни ёритиш | | Изох |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Сони (дона) | Қуввати (кВт) | Сони (дона) | Қуввати (кВт) | Сони (дона) | Қуввати (кВт) | кВт | шу жумладан люменисцентил (кВт) | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |

## В. Ўзга субабонент-истеъмолчилар

| Истеъмолчи-ларнинг номланиши, манзилгохи | Ўрнатилган куввати кВт, кВА | Электр хисоблагичнинг завод раками | Диспетчерлик номланиши | Тариф. сум/кВт.с учун | Изох |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

**“Истеъмолчи”:**

(М.Ў. Имзо)

**“Корхона”:**

(М.Ў. Имзо)

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: ZZ4026808508

# YURIDIK AXAMIYATGA E'GA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'GRISIDA XUQUQIY XULOSA

**1.Loyihaning turi:** Shartnoma

**2.Loyihaning nomi:** Sayxunobod tuman Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi bo'limi bilan "Sirdaryo XE'TK" AJning Sayxunobod tuman E'lektr tarmoqlari korxonasi o'rtasida 17.01.2022 yil tuzilgan e'lektr-e'nergiyasi etkazib berish xaqidagi 090077-son shartnomasini imzolash to'grisida.

**3.** Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Sayxunobod tuman Irrigasiya tomonidan 2022 yil 17 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Sayxunobod tuman Yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshligi:** **T.Fayziyev**

2022 yil 18 yanvar